

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

2009 йил, 1 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

XXI саҳифаси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 175—176 (11.486—11.487)

Баҳоси эркин нарҳда

БУЮК МАМЛАКАТНИНГ БУЮК БАЙРАМИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 18 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!
Барчангизни Ватанимиз тарихидаги буюк сана – Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий табриклаб, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва меҳр-муҳаббатимни билдиришдан бахтиёрман.

Азиз дўстлар!
Бугун ҳеч қимга сир эмаски, озодлик ва эркинликка, ўз тақдирини ўз қўлига олишга интилган дунёдаги биронта халқ мустақиллик деган улуг ва бебаҳо неъматни, сиёсий ва иқтисодий тобелик ва қарамлик занжирларидан озод бўлишни ҳеч қачон осонлик билан қўлга киритгани йўқ.

Бу азалий ҳақиқатни биз ўз тарихимизда англадик, бошимиздан ўтказдик. Биз бундан 18 йил олдин халқимиз асрлар бўйи орқиб кутган миллий истиқлолимизни эълон қилиб, ўтган давр мобайнида эзгу оруз-умидларимизга эришиш йўлида эл-юртимиз қанча-қанча узлишиш ва азоб-уқубатларни, қанча-қанча айтшмовчиликларни, бир сўз билан айтганда, қандай оғир ва машаққатли синовларни бошидан кечирганини бугунги ва келажак авлодлар ҳеч қачон ёдидан чиқармаслиги муқаррар.

Бугун мана шундай улуг ва ҳаммаимиз учун ҳақиқатан ҳам азиз айём арафасида босиб ўтган йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, аввало, ўз куч-қудратимиз ва салоҳиятимизга суяниб, ўзимизга ҳам ва ўзимизга мос тараққиёт йўлини танаб олганимиз, шу унутилмас йилларда мардлик ва матонат, чидамлик ва баргиреклик кўрсатиб келаятган халқимизнинг фидокорона меҳнати билан жаҳон аҳли эътироф этаётган ютуқ ва марраларга эришяётганимиз барчамизга гуруру ва мамнуният етказди, албатта.

Юртимизда янги жамият барпо этишда биз танлаган ва босқичма-босқич, изчил амалга ошираётган ислохотлар модели айна шу кунларда, яъни бутун дунё бошидан кечираётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида амалда нақадар тўғри эканини ва халқимизнинг манфаатларига тўлиқ жавоб бераётганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг яққол исботи охириги йилларда ва шу йилнинг ўзида иқтисодиётимизнинг барқарор суруятлар билан ўсиб, янги марраларга кўтарилиб, юртимизнинг қиёфаси тобора ўзгариб, янада обод бўлаётганида, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси, ойлик ва даромадлари улуксиз юксалиб бораётганида ёрқин намоён бўлмоқда.

Ҳаётимизнинг маъно-мазмунини, мақсадлари ўзгариши билан халқимизнинг, аввало, ёшларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, фикрлаши, сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётганини ва бундай ижобий ўзгаришлар бугунги ва эртанги ютуқларимизга мустақам замин тўғдираётганини катта мамнуният билан таъкидлаймиз.

Ўтган давр мобайнида кўпни кўрган, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимиз ҳақиқий мустақилликка эришиш, истиқлолимизни ҳар қандай хуруж ва гаразли, ёвуз ҳаракатлардан ҳимоялаш йўлидаги машаққатли курашларда товланди.

Юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаётнинг қадр-қимматини, минтақамизда миллатлар ва динлараро тотувликни асраш ва мустақамлаш нақадар муҳим эканини чуқур англаб етди.

Муҳтасар қилиб айтганда, ўтган давр мобайнида бошимиздан кечирган қийинчилик ва синовлар қанчалик оғир бўлмасин, биз уларнинг барчасига мардона бардош бериб, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик.

Ва ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, шу муқаддас заминимизда яшаётган барча инсонлар учун ҳеч қандай кам бўлмайдиган эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Азиз юртдошлар!
Бугун мана шу юксак минбарда туриб, 18 йил давомида бизга хайрихоҳ бўлиб, бизни қўллаб-қувватлаб, ёрдам ва мадад бериб келаятган дўсту биродарларимизга, биз билан самарали муносабат қўлаётган мамлакатлар ва халқларга миннатдорлик билдириб, қизгин саломларимизни йўллашга, уларга бахт ва равнақ тиллашга руҳсат бергайсиз.

Бизнинг бугунги тантанамизда қувончимизга шерик бўлаётган юртимиздаги хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча азиз меҳмонларимизга юракдан чиққан олқишларимиз билан ўз хурмат-эҳтиромимизни изҳор этсак, айнаи мудо да бўлади.

Мана шундай ёруғ кунларга етиб келишда ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилган, Ўзбекистоннинг оғир юкунини ўз елкасида кўтариб келаятган барча-барча юртдошларимизга, мўтабар кексаларимизга ўз номидан, халқимиз номидан ташаккур билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Айнаи пайтда доимо латофат ва гўзаллик, вафо ва садоқат тимсоли бўлган, ҳаётимизни эзгулик ва меҳр нури билан чароғон этиб келаятган мунис аёлларимиз, опа-сингилларимизни самимий кўлаб, уларнинг барчасига сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларига файзу барака тилайман.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб, ўзининг навақирон азму шижоатини намоён этиб ўтирган ўғил-қизларимизни, ҳақиқатан ҳам эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган бутун мамлакатимиз ёшларини, уларга таълим бераётган устоз-мураббийларни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Юрт учун, эл учун, бизнинг эртанги буюк келажакимиз учун ҳеч қачон, ҳеч қаерда бўш келманг, азиз фарзандларим!

Барчангизни Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик кутлуғ байрами билан яна бир бор табриқлайман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 18 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ



Ўн саккиз йил. Камолот ёши. Маънавий етуқлик айёми. Билаклар кучга тўлган, юраклар ишонч, умид, муҳаббат билан депинаётган навақиронлик палласи. Истиқлолимиз том маънода ана шу камолот ёшига қадам қўйди. Дунё ҳамжамиятида ўз ўрни, ўз салоҳияти, ўз сўзига эга, иқтисодий жиҳатдан қудратли, илму маърифат бобида беназир Ватанимизда бу йиллар янги жамият, янги давлат қуриш йўлида асрларга тенг ютуқлар қўлга киритилди.

Энг улуг, энг азиз байрамини нишонлаётган ватандошларимиз ҳаётимиздаги турмушимиз, ўй-фикрларимиздаги улкан ўзгаришлар Истиқлол туфайли эканини теран англайдилар. “Мустақиллик биз учун – ўзлимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир” деган эзгу гоёни ўзида мужассам этган ушбу улуг айём юртдошларимиз қалбига сўнгсиз ифтихор, гуруру бағишлайди.

2009 йил, 31 август. Бугун азим Тошкентнинг барча кўчалари бизни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғига алтади. Шафақ ол рангда товланади. Кўчаларни тўлдирган одамлар оқими минглаб чироқлар нуридан шуъалланаётган рамзий миноралар томон ошиқади. Ўзбекининг энг катта байрами шу ердан бошланади ва бугун юрт узра парвоз қилади. Ватанимиз сарҳадлари бўйлаб кезаётган бу саррин ел энг чекка қишлоқдаги хонадонларгача кириб боради.

Ўзбекистон Миллий боғига ҳуқумат аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан, маданият ва санъат намоёндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 19.30. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни қарсақлар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодийнаси бошланаётганидан дарак беради. Президент Ислам Каримов минбарга тақлиф этилади. Давлатимиз раҳбари Мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳфияси янграйди. Майдон узра таралаётган куй ва қўшиқлар гўё Истиқлол китобининг ўн саккиз саҳифасини бирма-бир varaқлагандек, кўз ўнгимизда ўн саккиз йиллик тарих тажалли этгандек бўлади. Ўзбекистонимиз ўтган қисқа давр мобайнида асрлар билан бўйлашадиган довоиларни ошиб ўтди, юз йилликларга тенг тараққиётга эришди.

(Давоми 2-бетда)

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими раҳбар ва педагог ходимларининг аънавий август кенгаши ўтказилди. Унда тегишли идора ва муассасалар, коллеж ва лицейлар раҳбарлари, ўқитувчи ва мураббийлар иштирок этди.

● Қарши шаҳрида Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказлар ҳамкорлигида Энг улуг, энг азиз айём олдидан “Ўзбекистон – умумий уйимиз!” шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди.

● Бухоро вилояти Шофиркон тумани Тезгузар қишлоғи худудидаги чорвачиликка ихтисослашган “Азиза Назира” фермер хўжалиги қошида сутни қайта ишлаш цехи ишга туширилди.

● Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг навбатдан ташқари конференцияси бўлиб ўтди. Унда дастлаб Экоҳаракатнинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти яқунлари ҳусусида сўз борган бўлса, сўнг Экоҳаракатнинг рамзий белгисини тасдиқлаш масаласи муҳокама қилиниб, ҳаракат мақсад ва вазифаларига мос кўринишдаги белги танланди.

● Андижон шаҳрида «Тоғмаҳал» номи янги меҳмонхона қад ростламоқда. Етти қаватли муҳташам меҳмонхона мажмуидан бизнес марказ, концерт зали, спорт мажмуаси, тадбиркорлар учун зал, гўзаллик салони, сув ҳавзаси ва савдо марказлари ўрин олади. Ушбу янги меҳмонхона «Осиё-Сервис-Бизнес» ташкилоти тадбиркорлари ташаббуси билан туризмни ривожлантириш мақсадида бунёд этилаётган бўлиб, қурувчилар уни Конституциямиз шодийналари арафасида фойдаланишга топширишни режалаштиришган.

● Мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан «Ўзтемир-ўйлувчи» очик акциядорлик жамиятининг «Бухоро вокзали» филиалининг бир гуруҳ ходимлари «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси касаба уюшмаси марказий кенгаши раҳнамолигида Тошкент шаҳрига саёҳат қилишди.

ЖАҲОНДА

● Гапонда ташкил этилган навбатдан ташқари Президент сайловлари тинчлик, осойишталикда ўтди. Сайловнинг дастлабки натижалари 2 сентябрда маълум бўлади.

● АҚШ Оқ уйи Япониянинг янги таркибдаги ҳукумати сайланганидан кейин ҳам ҳар иккала мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг гуллаб-яшнашига ишонч билдирди.

● Эрон парламенти мамлакат ҳукуматининг янги таркибига номзодларни муҳокама қилиш жараёнини бошлади.

● Бугун Гданск шаҳрида Бош вазирлар даражасида Россия ва Польша мамлакатлари ўртасидаги музокаралар бўлиб ўтади.

● Японияда ўтказилган парламент сайловларида муваффақиятсизликка учрагани учун бошқарувчи Либерал-демократик партия етакчиси Таро Асо партия раҳбарлигидан истеъфога чиқилиши эълон қилди.

● «Женерал Моторс» компаниясининг Санкт-Петербургда жойлашган заводи автомобиллар ишлаб чиқаришни бошлади.

● АҚШнинг Нью-Йорк шаҳри атрофидаги атом электр станциясида рўй берган носозлик туфайли реактор автоматик равишда ўчирилди. Шундай бўлсада, атрофга радиация тарқалгани йўқ.

● Доғистоннинг Хасавюрт районида амалга оширилган махсус операция чоғида икки нафар жангари йўқ қилинди.

● Шимолий Американинг Калифорния штатида ўрмон ёнгинлари тобора авжига чиқиб, Лос-Анжелес шаҳрига яқинлашмоқда. Кеча кучли ёнгинлар чоғида уч киши куйиш жароҳатини олиб касалхонага ётқизилди, хавfli худуддан 5 минг киши эвакуация қилинди. Шу муносабат билан Калифорния штати худудида фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бадиий ҳаваскорлик жамоалари, тўгараклар, курслар раҳбарлари, қатнашчилари иштирокида

азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Пойтахтим — гўзал диёрим» деб номланди.

✓ **МАРКАЗИЙ** офислар саройида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Мустақиллик — энг улуг неъмат» деб номланди.

✓ **ФУҚАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институти ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида шаҳримиз болалари иштирокида «Иқтидорли болалар» деб номланган фестивал ташкил этилди.

БҮЮК МАМЛАКАТНИНГ БҮЮК БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртбошимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Президент Ислам Каримов ташаббуси билан миллий сайлов қонунчилиги кенгайтирилган ўзгариш ва қўшимчалар сайлов тизимини эркинлаштириш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Бугун Ўзбекистон сайлов қонунчилиги демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида халқаро стандартларга тўлиқ мос келади. 2009 йил декабрь ойида мамлакатимиз Парламенти ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари бўлажак сайловларни юксак демократик савияда, очик ва ошкора ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунлари ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни партияларнинг мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашга йўналтирилган ислохотларни амалга оширишдаги ролини, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда бевосита аҳолининг сайлов жараёнида иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш, сайлов тизими янада либераллашувни таъминлаш. Бу қонунларда Парламентнинг қўли палатасида депутатлик ўринлари 150 тага етказилди, 135 нафар депутат ҳудудий сайлов округлари бўйича депутатлик асосида, 15 нафар депутат эса Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланиши белгилаб қўйилди.

...Майдонда таралаётган оҳанглар ошфат дилларга ўзгача шуқуқ бағишлайди. Қўшиқлар сеҳридан кўнглилар сурурга тўлади. Турфа ранглар оғушида жилоланаётган рақслар қанотида овоз ва обод Ватан манзаралари, халқимизнинг эзгу орзу-умидлари намоён бўлади. Байрам дастури орқали ифода этилаётган ўн саккиз йиллик ҳаётимиз, қўлга киритган улкан ютуқларимизга боқиб, эртанги кунга бўлган ишончимиз янада мустаҳкамланади...

Дунёнинг кўплай мамлакатлари ҳақон молиявий-иқтисодий инқироз таъсири ва салбий оқибатларини юмшатиш, юзага келётган вазиятдан чиқиш йўларини излаётган, оммавий ишчиликнинг олдини олиш, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш чораларини кўраётган бир вазиятда бизнинг халқимиз Ватан равнақи йўлида азму шижоат билан мەҳнат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қабул қилинган ислохот ва модернизациянинг "Ўзбек модели"да белгиланган ваазифалар: ишчилик билан бажа...

Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилган.

Мана, 18 йилдирки, мамлакатимиздаги сиёсий барқарорлик, юксалиб бораётган турмуш даражаси, қўлай инвестицион муҳит тўғрисида юзлаб хорижий давлатлар Ўзбекистонга ишончли шерик сифатида қарамоқда. Халқаро экспертлар тараққиёт моделимизни "Ўзбекистон мўъжизаси" деб баҳоламоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ҳақон молиявий-иқтисодий инқироз, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби ўнлаб хорижий тилларга таржима қилингани ва илмий асосда чуқур ўрганилаётганини боиси ҳам шунда.

...Энг гўзал шеър Ватан ҳақидаги шеърдир. Энг ҳозирбали қўшиқ Ватан ҳақидаги қўшиқдир. Ватан ҳақидаги қўшиқ бошланади. Қалбларга титроқ, кўзларга халқаро халқа ёш инади бу қўшиқдан! Бу севинч ёшлари.

Иқтисодиётимизнинг ҳақон ҳўжалки ва молиявий-иқтисодий тизимига интеграциялашув жараёни чуқурлашиб бораётган бир шароитда ҳақон молиявий инқироз бизни четлаб ўтиши, унинг салбий оқибатлари бизга таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас эди. Ўзбекистонда ҳар томонлама асосланган таркибий қайта ўзгаришлар, фаол инвестиция сиёсати, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш дастурини амалга ошириш, экспортга йўналтирилган янги ишлаб чиқаришларнинг ташкил этилиши, ишлаб чиқариш инфратузилими ва транспорт коммуникацияларининг жадал ривожлантирилиши дунёнинг ақсарият мамлакатлари учун хос бўлган инфляциянинг ўсиши, ишлаб чиқаришнинг пасайиши, савдо баланснинг салбий салбоси, инвестицион фаолиятнинг сустайиши, ишчиликнинг ўсиши, аҳоли турмуш даражаси ва реал даромадларнинг кескин тушиб кетишининг олдини олибгина қолмай, балки иқтисодиётни барқарор ва мувозанатлашган ҳолда ривожлантириш имконини берди.

2009 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда ялли ички маҳсулотнинг ўсиши 8,2 фоизни ташкил этгани эътиборга моликдир. Давлат бюджетни ялли ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз миқдордаги профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогност кўрсаткичларидан ошмади.

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича қабул қилинган дастурлар изчил амалга оширилмоқда. Банк тизимининг инвестиция фаолиятини қўлайитириш, энг муҳим инвестиция лойиҳаларини жадал амалга ошириш, қўлай инвестиция муҳитини яратиш бўйича қўйилаётган чорат-баҳолаш ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмининг 32,7 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштиришнинг 2,6 баравар ўсишини таъминлади. Уларнинг 71,1 фоизи

бевосита ишлаб чиқаришга йўналтирилгани аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг устувор тармоқларида янги қурилишларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилган, янги экспортбўл маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган 667 инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. 2009 йилнинг биринчи ярмида 193 ишлаб чиқариш объекти фаолият бошлади. Маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг 95 янги турини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, бундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини 1,8 баравар ошириш, 708 миллион АКШ доллари миқдоридан импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш имконини берди.

Биз бугундан гапирганида, эртани ўйлайдиган, эртадан сўзлаганда, кечани унутмайдиган халқимиз. Шодумон кунларимиздан масрур бўлганимизда қоронғу тунларимизни эслаймиз ва ёруғ кунларга етказганига шукр қиламиз. Истиқлол истибқоли эканини, Истиқлол масъулият эканини яхши биламиз. Яшаш масъулияти, Ватанга садоқат, соғлом авлодни воёга етказиш, ота-боболар меросини асраш, юртни обод қилиш масъулияти ҳеч қачон бизни тарк этмайди. Шу боис юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, ризқимиз бут, топанганимиз баракали.

Деҳқон борки, табиат инжиқликларини кўтариб, энгиб келади. Гоҳ қурғоқчилик, гоҳ сел... Эрта кўклардаги сурункали ёмғирлардан эсанкирамаган миришкорларимиз, сохиборку галлакорларимиз пешона тери вазаига мўл-кўл ҳосил еттиштирилди. Галлакорларимизнинг фидокорона

ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорига мувофиқ 2009 йилнинг биринчи ярмида умумий фойдаланиладиган халқаро ва давлат аҳамиятига эга бўлган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва йўлларни таъмирлаш борасида 141 миллиард сўмлик иш бажарилди.

Темир йўл тўрмоқларини қуриш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2007 йилда қуриб битказилган "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўл линияси бу борадаги ишларнинг ёркин намунаси.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида бу ерда яна бир қўвончи воқеа юз берди — йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди.

Навоий аэропорти базасида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилиши, бу ерда Халқаро интермодал логистика маркази фаолиятининг йўлга қўйилиши мамлакатимиз олдида катта истиқболлар очади. У нафақат Жануби-Шарқий Осиёни Европа билан боғлайдиган қитъалараро транспорт-экспедиция узели сифатида фойдаланиш имконини беради, айни пайтда Навоий вилояти ва қўшни ҳудудларда янги, юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишга хизмат қилади.

...Халқимиз эришаётган бундай ютуқлар байрам дастурида ўз ифодасини топан.

Мустақиллигимизнинг ўн саккизинчи йили Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинган замирида чуқур маъно-мазмун муҳасам. Президентимиз таъбири билан айтганда, барчамизнинг илдизимиз, томиришимиз қишлоққа бориб тақалади.

Юртбошимиз ташаббуси билан қабул

лашиб рақсга тушаётган болалар шодлик ва қўвонч ҳақида, обод ва китоб ҳақида, Ватан ва она ҳақида қўйлади. Уларнинг биллурдек шаффоф юракларида ўтмишнинг аламли кунларидан, ҳасрату армонлардан қолган доғлар йўқ. Улар — овоз юрт болалари. Қуй ва қўшиқлари ҳам шунга монанд.

Соғлом зурриёт — баркамол авлод ва соғлом миллат асоси. 2009 йилда Президентимиз раҳнамолигида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар янги босқичга кўтарилди.

Юртимизда тиббий хизмат кўрсатиш тизими тўлиқ қайта қўриб чиқилди. Аҳолига шозишлинч ва юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун энг юксак талабларга жавоб берадиган шифохона ва бўлимлар тармоғи, энг юксак замонавий тиббий-технологиялари ва техникаси билан таъминланган иттихослашган клиникалар ташкил этилиши бу босқичнинг самарали натижаларидан бўлди. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар рўй берди — замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган минглаб қишлоқ врачлик пунктлари бунёд этилди...

Мустақиллигимиз дастлабки йилларида ноқ ўз олдимизга қўйган эзгу орзу-ниятларимизга, буюк мақсад-муддоаларимизга етиш, айни пайтда халқаро майдонда эл-юртимизнинг номи, обрў-эътиборини юксалтириш йўлида хизмат қилаётган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа омилар қаторида яна бир ўта муҳим мезон борки, унинг номи — миллий гурур, миллий ифтихор тўйғусидир.

Турли тантаналарда, халқаро мусобақаларда спортчиларимиз шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янраган кезларда Мустақиллик нечоғли буюк неъмат эканини, Истиқлолимизни асраб-авайлаш, келажак авлодларга овоз ва обод Ватан қолдириш барчамизнинг шарафли бурчимиз эканини янада тيرانроқ англаймиз.

Майдонга юртимизнинг мард ўғлонлари — ҳарбийлар кириб келади. Улар Ватанимиз мадҳ айлаб, Қуролли Кучларимиз қудратини намойиш этади. Уларга қараб дилларда ифтихор жўшади, Ватан тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги ишончли кўларда эканига амин бўлади киши.

Ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимиз Қуролли Кучлари салоҳиятини, қудрати ва нуфузини янада юксалтирди. Ёшларимиз қалбида ҳарбийлик муҳаббат қўнайди. Ҳарбийлик ўзини шу юртга дахлдорман деган ҳар бир йигит учун шарафли ишга айланади.

Ўн саккиз йил тарих олдида бир лаҳза. Аммо бизнинг ўтган ҳар бир йилимиз бир асрга тенг, десак, муҳолага бўлмайди. Асрлар давомида эришилаётган ютуқларга йили, йилларга эришдик. Ҳар бир кунимизни тарих зарварларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрлашга муваффақ бўлмоқдамиз. Зеро, мана шундай шоду хуррамлик билан Мустақиллик кунини нишонлаётганимизнинг ўзиёқ танлаган йўлимиз тўриликдан, Ватанимиз келажиги буюкликдан далолатдир.

...Истиқлол тўғрисида бой тарихимиз ва маданий меросимиз, урф-одат ва аъналаримиз, дину диёнатиимиз қайта тикланди. Қон-қонимизга сингиб кетган меҳроқибат, бағрикенглик, ҳамжихатлик каби эзгу фазилатлар миллий қиёфамизнинг инчиқоси сифатида бизни дунёга танитди. Бу бизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайди.

Аждодларимиз томонидан яратилган маданий-маънавий меросни асраб-авайлаш ва бойитиш, давлатчилигимиз тарихини чуқур ўрганиш, ўзлигимизни англаш ва намоён этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқимизни дунё музыка санъати аънавалари билан, ҳақон аҳлини эса Ўзбек миллий музыкаси билан яқиндан таништиришда Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилдан бунён ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро музыка фестивалининг аҳамияти беқиёс. Энг улғун, энг азиз байрамимиз арафасида бўлиб ўтган "Шарқ тароналари" этнини халқаро музыка фестивали эллика яқин мамлакатдан вакиллар иштирок этиди. Регистрон майдонидан янраган турфа наволар, қуй-қўшиқ ва рақслар қанчадан-қанча дилларни ром қилди, минглаб инсонлар хотирасида ўчмас из қолдирди.

Дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган қадимий шаҳарларимизнинг юбилейларини нишонлаш истиқлол аъналаридан бирига айланган. Ўтган йилларда Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Самарқанд, Марғилон сингари шаҳарларимизнинг қўлтуғ тўйларни халқаро миқёсда кенг нишонланди. Энди муваззам пойтахтимиз — Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини кенг нишонламоқдамиз.

...Майдон саҳнада байрам дастури давом этади. Улкан саҳнада халқимизнинг ўтмиши, бугуни, келажиги, асрий орзулари тараннум этилмоқда. Ҳар бир қуй, ҳар бир қўшиқ ўн саккиз йилда эришилган ютуқлардан сўзлайди. Ранглар жиқоси, оҳанглар садоси ўзгаради.

Майдон узра юрт наволари янграйди. Жонфизо қўшиқларга аҳли майдон жўр бўлади. Истиқлол - Истиқлол, дея қўйлайди осмон, қолдузлар, азим чинорлар, бутун шаҳар, бутун юрт!

Муסיқа садолари кўзларни қамаштиргувчи мушаклар жиқосида янада жозибалроқ, янада шуқуқроқ эшитилади.

Авх пардаларда кенган байрам тантаналари Ватанимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб ёйилади. Ва ҳар тарафдан садо келади:

— Истиқлолинг муборак бўлисин, муқаддас юртим!

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрами нишонланаётган шу кунларда Бўзсув соҳилидаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи зиёратчилар билан ҳар қачонгидан гавжум. Бу қадамжо нафақат шаҳидлар ёдини, балки халқимизнинг кечмишини ўзида муҳасам этган тарих китобига ўхшайди. Бу ерда оталар осуда отаётган тонларга шукрона келтиради. Соғ-саломат камолга етаётган фарзандлари бахтидан масрур оналар чеҳрасига табассум югуради. Хаёлан тарихнинг қоронғу кўчаларига назар ташлаган ёшлар тинчлик ва истиқлол нақада улуғ неъматлар эканини англайди. Бу ерда келган ҳар бир инсон қалбида шу табарруқ юрт барчамизники, уни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш муқаддас бурчимиздир, деган эзгу тўйғу жўш уради.

АЖДОДЛАР ЁДИ МАНГУ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2000 йили пойтахтимизда "Шаҳидлар хотираси" хиёбони бунёд этилди. Маъмуу таркибида "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи ва шу номдаги жамғарма ташкил қилинди. 2001 йилдан бунён 31 август мамлакатимизда Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини сифатида нишонлаб келинади.

31 август тонгида пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган марҳумларни ёд этиш маросими ўтказилди. Қурбон тиловат қилиниб, қатагон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Президентимиз Ўзбекистон Муслмонлари идораси раҳбарияти, уламолар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида қуйидаги фикрларни билдирди:

— Мана шундай муборак кунларда, шундай муқаддас жойларда туриб, одам беихтиёр бугунги тинч-осуда ҳаёт, бу кунларнинг қадрига етиш ҳақида ўйлаши табиий, албатта.

Халқимиз, миллатимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган, жонини фидо қилган минг-минглаб ватандошларимизни эслар эканмиз, улар орзу қилган, улар учун бир умрлик армон бўлиб қолган, бугунги авлодларга насиб этган эркин, обод ва фаровон ҳаётнинг моҳияти ва аҳамиятини янада чуқурроқ англашимиз шубҳасиз.

Биз мана шундай муборак зиёратгоҳлар ва қадам-жоларга бугунги, тинч ҳаёт, мусоффо осмон, тўкинлик ва фаровонлик қандай оғир йўқотишлар, синовлар ва машаққатлар эвазига эришганимизни ёш авлодга англашадиган, уларнинг қалби ва онига миллий мустақиллик ғоссини янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қиладиган маънавият ва маърифат ўчоқлари, деб қараймиз.

Бугунги таҳликали ва мураккаб замонда дунёда юз бераётган кескин зиддиятлар, тўқнашувлар ва қарама-қаршиликлар, миллатлар ва динлар ўртасидаги турли можароларни ҳаммамиз қўриб, биллиб турибмиз. Айниқса, ёвуз мақсадлари йўлида муқаддас ислом динимизни ниқоб қилиб олган фаразли ҳаракат ва қўчлар соғлом фикрлайдиган ҳеч бир инсонни ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Дунёнинг турли бурчакларида, муслмон мамлакатларида рўй бераётган кўпурвичлик ва бузғунчилик ҳаракатларидан барчамиз тегишли ҳулоса чиқариб, доимо хушёр, сезгир ва оғоҳ бўлиб яшашимиз кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

— Биз ҳаммамиз тинчликни истаймиз, тинчликни орзу қиламиз, лекин тинчлик учун курашиш керак, бу ёруғ ҳаётни, фарзандларимизнинг келажagini, уларнинг беғубор қулусини ҳар қандай ҳавф-хатарлардан асрашимиз лозим, — деди Президентимиз.

— Мана шундай муҳим, бугунги кунимиз учун гоят долзарб фикрларни одамларга етказиш, бугунги эмин-эркин ҳаёт, тўкинлик ва фаровонлик ўз-ўзидан бўлмаётганини тўшунтириш зарур.

Истиқлол тўғрисида тарихий адолат қорор топди, тарихга муносабат ўзгарди. Топталган миллий қадриятларимиз, аънава ва урф-одатларимиз қайта тикланди. Азиз-авлиёларимизнинг муборак қадам-жолари обод гўшаларга айлантилди. Ватанимиз озодлиги йўлида жонини фидо этган юртдошларимиз руҳини шод этиш, номларини абадийлаштириш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи фаолиятига алоҳида эътибор қаратиб келади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бу музей нафақат қатагон қурбонлари ҳақида, балки 130 йил мустақиллик сибосатидан азият чеккан халқимиз кечмиши тўғрисида ҳўқоя қилиши лозим. 2008 йили Президентимиз ташаббуси билан бу ерда улкан қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди, маҳсул илмий гуруҳ тузилиб, изчил иш олиб борилди. Музей биноси шаҳроча меъморлик аънавалари асосида кенгайтирилди. Чор Россияси томонидан Туркистоннинг босиб олинишидан то мустақиллик давригача бўлган тарихий жараёнларни ўзида акс эттирувчи ўн бўлимдан иборат янги экспозициялар ташкил этилди.

Музей экспозициялари орасида мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик, маънавиятимиз, тарихий обидаларимиз, динимизни асраб-авайлаш йўлида олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳўқоя қилувчи экспонатларга кенг ўрин берилган.

Шу кун Президентимиз Ислам Каримов Мустақиллик майдонига таширф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирил Маҳкамаси, вазирилқар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди.

(ЎЗА)



мехнати тўғрисида мамлакатимиз галлачили тарихидаги энг юксак натижа — 6 миллион 600 минг тонналик улкан хирмон бунёд этилди.

Аҳоли бандлиги даражасини оширишнинг энг муҳим манбаларидан бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш доимий эътиборда.

Мамлакатимизда меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини қўлайитириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган ижтимоий сиёсат амалга оширилмоқда. 2008 йилда ўртача иш ҳақи 1,4 баробар ошди. Аҳолининг реал даромадлари эса йил давомида жон бошига 23 фоиз қўлайди. 2009 йилда иш ҳақи миқдорини 1,4 баробар қўлайитириш кўзда тутилган ва бу борадаги ишлар изчил амалга оширилмоқда.

2009 йил 22 май кунини Тошкентда, олти мишдан зиёд мамлакат вакиллари иштирокида бўлиб ўтган "Ҳақон молиявий-иқтисодий инқироз, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш суръатлари юксак баҳолангани бежиз эмас.

Шундай ҳаяжонли лаҳзаларда, фараҳбахш дақиқаларда босиб ўтган йўлимизга назар ташлагиси, қўқрак кериб, халқимиз қўлга киритган улкан ютуқлардан гурурлангиси келади кишининг.

Қилинган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурига мувофиқ қишлоқларимизни қиёфасини, қишлоқда ҳаёт даражасини, ишлаб чиқариш муносабатларининг мазмун-моҳиятини ўзгариштириш, аграр соҳада олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугун қишлоқларимизда ҳаёт сифатини тўбдан юксалтириш мақсадида, минтакаларнинг иқлим, демографик ҳолатининг ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ уйларининг намунавий лойиҳалари тайёрланиб, шу асосда замонавий қишлоқлар барпо этилмоқда. Бу ваазифаларни бажариш учун махсус "Қишлоқ-қурилиш-лоиҳа" лойиҳа-тадқиқот институти, "Қишлоққурилишбанк"и ташкил этилди.

Табиийки, бундай улкан бунёдкорлик ишлари учун замонавий қурилиш материаллари зарур бўлади. Айни пайтда жойларда ана шундай мақсадлар учун хизмат қилувчи юзлаб корхоналар фаолият юритмоқда. Бу эса аҳолининг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун шарт-шароит яратмоқда. 2009 йилнинг биринчи ярмида қишлоқларимизда 435 километр газ ва 839 километр сув қувурлари тортилгани, 2,9 миллион квадрат метр яқна тартибдаги уй-жой қурилгани, 233 умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилгани, 196 касб-ҳунар коллежи ва 18 академик лицей қуриб битказилгани фикримизнинг ёркин далилидир.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган навқирон авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва ҳақон музыка маданиятини юксак намуналаридан кенг баҳраманда бўлиши учун зарур шарт-шароит яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Нихол" мукофоти, "Ягонасан, муқаддас Ватан!" қўриқ-танлови иқтидор эгаларини юзага чиқариш, ёшларга кенг йўл очиб беришда муҳим аҳамият касб этмоқда.


...Саҳнада саф торган иқтидорли ёшларимиз — турли танловлар совриндорларини олқилар эканмиз, қалбимизда яна бир бор бетакор Ватанимиз, унинг келажакка интилаётган иқтидорли йигит-қизлари билан фахрланиш тўғрисида жўш уради.

...Бу дунёда бола қийригидан кўра жозибалироқ овоз борми?! Болалар яйраса, кўнглил яйрайди, болалар қулганда, олам қулади. Оҳулар мисоли сакраб, қува-



ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!

Киндик қонинг томган муқаддас тупроқ, туғилиб камолга етган Ватанинг ҳақида сўз айтиш — ўз онанг мақтовиди айраб гапириш билан баробар. Зеро, бу дунё юзини кўргунимизча волидаимиз бизни ўз жисму жониди олиб юриб, кейин Момо ерга қўяди. Она замин эса оламни тарк этгунимизча бизни ўз елкасида кўтариб юради, сўнгра бағрига олади. Биз шу тарика тупроққа сингиб кетамиз. Шунинг учун Ер, Ватан сўзларининг олдига Она сўзини қўшиб айтамыз ва бундан ўзгача ғурур туямиз.



Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ТИНЧЛИК ТИЛАГИДАН ЯРАЛГАН ШАҲАР

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Шу боис ҳам бу муқаддас заминнинг ҳар бир қаричи биз учун табаррук, унда ота-боболаримизнинг хоки ётибди. Аждодларининг руҳи поки олдиди эса авлодлар ҳаммаша масъул бўлиб келган. Муҳими, мана шу масъуллик юкини ким қандай ҳис қила билишида. Тўғрироғи, мустақилликни қўлга киритгунча биз буни қай даражада ҳис қилардик? Юртбошимиз тили билан айтганда:

— Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?

— Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг муқаддас хокларига эътибор бормиди? Амир Темур, Бобур Мирзо ва бошқа улуг бобокалонларимизнинг буюк номлари қайси тупроқларга қоришиб кетган эди?

— Хўш, ўзимиз-чи? Ўзимиз ўзлигимизни билармик?

Албатта, йўқ! Миллий ғурури, инсоний шаъни топталган эл ўзлигини англашдан маҳрум. Ўзлигини англамаган эл-юртни эса ўзгалар қаёқдан билсин. Шунинг учун ҳам мустақиллик энг аввало бизнинг қалб кўзимизни очди. Ўзлигимизни танитди. Биз дунёга Хуррият кўзи билан боқдик. Хур инсон бўлиб фикрлаш нақадар тотли эканини ҳис қилдик.

Яна аламли томони шунда эдики, собиқ иттифоқ даврида биз она юртимизда ўз билгимизча бирон жойга бир гишт қўйиш имкониятига эга эмас эдик. Тили тийилган, қўли боғлиқ эл дил нола билан узоққа боролармик. Шу боис бугунги Ўзбекистон, бугунги Тошкент ҳақида гапиришдан аввал олис ўтмишга эмас, йигирма йил нарига бир назар ташласак тарих ҳақиқати юз очиб турганини кўрамыз.

Тарих — тўфон агар йиллар юз очсалар.

Тарих — имкон ҳикмат аҳли сўз очсалар.

Икки минг икки юз йил сўзи Тошкент.

Мулки Турон заминининг юзи Тошкент.

Хўжа Ахрор Валий севган тупроқдир бу,

Восифийнинг дил ганжида бир охдир бу,

Аллома очган қутлуғ эшик Тошкент,

Бағрида эрк улғайтирган бешик Тошкент.

Маърифатнинг йўли очган Фитрат, Элбек,

Изларидан илм аҳли келар селдек,

Бир япроғи бевақт туша хундир Тошкент,

Юз гунчаси кулиб турган гулдор Тошкент.

КЎРКИ КЎЗГА, МАДҲИ СЎЗГА СИГМАС

Бугун Ўзбекистонда Тошкент таърифида сўз айтимаган инсон йўқ. Зеро, Тошкент деса тилимиздан бол томади, кўксимизда ифтихор тоғи юз очади. Чунки у ўзининг азаллиги, гўзаллиги билан машҳур. Тошкент қадим-қадимдан Буюк Ипак йўлида дўстлик, меҳру оқибат чирогини ёқиб келган шаҳар.

18 йил тарих ўлчоғида қисқа фурсат бўлсада, аммо Тошкент номини дунёга олиб чиқди. Айни пайтда мустақиллигимиз берган имконият Тошкент бағрида кўзга сиғмас гўзаллик яратди. Юрт эгасининг оқил, доно сиёсати бугун Тошкентдан таралаётган ақлу адолат, илму маърифат, беназир бунёдкорлик нуруни

бугун Ўзбекистон бўйлаб тенг сочмоқда.

Кўзни кўрсин деб яратди,
Кўлни курсин деб яратди.
Худойим ҳар бандасин
Кандин урсин деб яратди.

Кўклашгин кўклам билан,
Диллашгин шабнам билан.
Бу дунё обод ахир
Аҳли хуш одам билан
Хуш одам, хушёр одам,
Бахтлидир бедор одам.
Ўзингга буюрмаса
Топганинг бекор одам.

Бугунги Ўзбекистон, бугунги Тошкент тимсолида биз топгани ўзига буюрган халқ бўлди. Ўзбек халқи бугун куриб қўли, кўриб кўзи қувнаётган халқ. Аммо аён ҳақиқат шунки, бойлик қўлдан ёғилаётгани йўқ. У заҳматкаш элимизнинг пешона тери эвазига мисқол-мисқол яратилапти. Ҳикматгўй халқимиз айтганидек, етти ўлчаб бир қесилган жойда афсусу надоматга урин қолмайди.

Мустиқиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Президентимиз Ислам Каримов кўрсатган тараққиёт йўли — Ўзбекистоннинг ўз йўли эканлиги эндиликда дунё аҳлига аён бўлди. Румий ҳазратлари айтмоқчи, ҳаммага ҳам йўл кўрсатиш мумкин, лекин бу йўлдан ҳар ким ўзи ўтиши керак, тўғрироғи ўта билиши керак! 18 йилда Ўзбекистон халқи ўтган йўл — тинчлик йўли бўлди, меҳру оқибат, қут-барокат йўли бўлди. Баракаси бор одамнинг эса аввало остонасида фойз, ховлисиди чирой, иморатиди улғуворлик бўлади. Бугунги Тошкентнинг улғуворлиги, кўрку салобати ҳақида кўп ва хўб гапириляпти.

Кўркинги кўзгуга солганлар айтар,

Сен миллат ғурури, танхосан, — Тошкент.

Юрт эгасининг юзидай ёруғ, Ватан қудратидан барпосан, — Тошкент.

Асрий орзуларинг мисли фавора,

Эзгулик аркида шодлик сочади.

Дунё болаларин чорлаб бағрига Бир ўзбек онаси кучоқ очади.

Ёвнинг юрагини ёнтоқ юмдалар, Лайлақлар жилмаяр,

Тинчлик тимсоли.

Кўрку жамолингга тумор турналар

Тошкент, ўзбегимнинг оппоқ хаёли.

МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Тошкент азал-азалдан пири комиллар, илму ҳикмат соҳиблари, беназир олим фозиллар юрти, бетакрор ёзувчи ва шoirларнинг диёри бўлиб келган. Зотан, Ҳаси Имом мажмуига ташриф буюрган ҳар бир кишини ғалат сокинлик, хузурбахш шукрона туйғу чулғаб олади. Наздингизда бошингиздан Қафқол Шоший, Хожа Ахрор Валий, Шайх Хованди Тоҳур, Занги ота каби улуг ҳазратлар шодон руҳларининг мунаввар нури ёғилиб тургандек. Аслида ҳам шундай. Муҳтарам Юртбошимиз нафақат Тошкент шаҳрида, республикамизнинг барча вилоятларида ҳам ўнлаб пири комилларимиз, динимиз пешволарининг руҳларини шод, ётар манзилларини обод қилиб, гўзал зиёратгоҳларга айлантирдилар.

Тошкент деса киши кўз ўнгига икки мисра шеър ўқиб, мезбонига меҳрини оқ сочиқ қилиб тутиб турган ҳассос Фафур Фулом, ҳикматгўй Ойбек, вафо маликаси Зулфияхоним каби қалам аҳли, Шукур

Бурхон каби ўнлаб буюк санъаткорлар, Ҳабиб Абдуллаевдек заҳматкаш илм эгалари, яна қанча-қанча улуг инсонлар, келади. Уларнинг ҳар бири ҳақида истаганча гапириш ва фахр этиш мумкин. Ўзбек романчилигининг чароғбони Абдулла Қодирий ҳаммашаликка Тошкентнинг ифтихори бўлиб қолаверади. Зеро Чўлпон бобомиз айтганларидек, адабиёт яшаса, миллат яшайди.

Бугун Тошкентнинг 2200 йиллик тўйини нишонлар эканмиз, ушбу йиллар ичида Тошкентнинг Тошкент бўлишига бир гишт қўйган, боғ-роғлар бунёд этган, ўз илму ҳикмати ила асрлар оша нур сочиб турган ҳар бир ватандошимиз — аждоди аввалларимизнинг руҳи поки олдиди бош эгамиз. Айни пайтда улар орзу қилган хур ва озод замон, юрт мустақиллиги бизга насиб этгани учун Яратганга беадад шукр қиламиз. Яна шунки комил ишонч билан айтамызки, ҳайрат кўзгусига айланган она шаҳримизнинг бош меъмори Президентимизнинг ўзлари.

Кўхна Шошининг кўёш кулган осмони бор,
Келажакка нур элтгучи карвони бор.
Хумо қушга кафтида дон тутар Тошкент,
Адолатни тумор қилган сарбони бор.

ҚУВОНЧ ҚЎНҒИРОҒИ ТОШКЕНТГА ЧОРЛАР

Сўзимиз аввалида айтганимиздек, Тошкентнинг мақтови сўзларга сигмас. Боиси, у кун сайин гўзаллашиб, кун сайин улуг қудрат касб этиб бораёпти.

Мустиқиллик ва эзгулик монументи пойғи борсангиз бағридаги боласига термулиб ўтирган ўзбек Онаси нафақат ўз фарзандига, дунё болаларига тинчлик алласини айтаётгандек.

Сиз яна бунда Эзгулик аркасида Тинчлик тумори бўлиб турган лайлақлар қанотидан ёғилиб турган нурнинг қалбингизга сизиб кираётганини ҳис қиласиз.

Сал нарида ўчмас хотира бўлиб мангу олов ёнаёпти. Бунда ҳам бир ўзбек онаси ғамгин нигоҳида уруш отига ланат ўқиб, дунёга тинчлик тилаб турибди. Гўёки, Мустиқиллик майдонининг ҳар қарич ери, ҳар бир ниҳоли, ҳар бир гишти тинчликнинг туморидек. Аслида ҳам бу муқаддас даргоҳда келганларнинг ҳар бири оламга тинчлик тилайди.

Она шаҳримизга алоҳида кўрк ва салобат бағишлаб қисқа пайтда бунёд этилган маҳобатли «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи гўмбазиди турган турналар бугун оламни Тошкентнинг 2200 йиллик тўйига чорлаётгандек. Бугун Тошкентнинг 12 эмас, 12 минг дарвозаси хуш ниятли дўстлар учун очик.

Соғинчлар сўроғи Тошкентга чорлар,
Садоқат сабоғи Тошкентга чорлар.
Дунёга таралмиш тўй овозаси,
Қувонч қўнғи роғи Тошкентга чорлар.

Меҳмон иззатига жонимиз фидо,
Ҳар калом меҳримиз оҳангидай хуш.
Топмайсиз ахтариб жонбахш бир садо,
Тошкент пиёласин жарангидай хуш.

Марҳабо, қадрдон, дўсту ёронлар,
Пойи қадамингиз кўзга тўтиё.
Икки минг икки юз йиллик тўйида,
Тошкентдан таралмиш Шарқона зиё.


Альбом Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимиз пойтахти ҳақидаги фикрлари билан бошланади. Юртбошимизнинг фикрларида, жумладан, шундай дейилади: "Йигирма икки аср аввал вужудга келган, Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган, ўзининг муҳим жуғрофий ва геосиёсий ўрни, дунё цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси билан ҳақли равишда "Шарқ дарвозаси" деб ном олган Ватанимиз пойтахти — азим Тошкент серкўёш Ўзбекистонимизнинг бой тарихи ва бетакрор кўрку тароватини ўзида яққол намоён этади".

Нобъ тарихий суратлар ва материал-

лаштирилган алоҳида таъкид-этига бағишланган учинчи боби "Бугунги Тошкент" деб аталади. Бу бобда Тошкент шаҳрида ўн саккиз йил давомида амалга оширилган улкан тарихий ишлар кенг ёритилади. Давлатимиз раҳбари мустиқилликнинг илк кунларидан бошлаб Тошкент ўзининг пойтахт шаҳар макомига, Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик сиёсий-маданий марказ сифатидаги ўрни ва мавқеига ҳар томонлама муносиб бўлиши учун унинг ривожига алоҳида эътибор бериб келаятигани, шаҳарни ривожлантириш концепцияси ҳам айнан шу мақсадга йўналтирилгани алоҳида таъкид-

«ТОШКЕНТ — 2200» АЛЬБОМИ НАШРДАН ЧИҚДИ

«Ўзбекистон»
нашриёт-матбаа уйи
томонидан Тошкент
шаҳрининг қутлуғ
тўйига бағишлаб
«Тошкент — 2200»
альбоми нашр
қилинди.



лар, чуқур илмий хулосалар, замонавий дизайн санъати ва матбаачилик ютуқлари асосида тайёрланган ушбу альбом уч бобдан иборат. «Тошкент қадимда ва урта асрларда» деб номланган дастлабки бобда Тошкент воҳасидаги энг кўхна одамзот манзилгоҳлари, у ерлардан топилган меҳнат куроллари, қўтошларга ишланган расмлар, фил суяғидан ясалган ҳайкалча ва бошқа тарихий осори-атиқалар ҳақида атрофли фикр юритилади. Шунингдек, Шошпена, Юнусобод Оқтепаси, Мингўрик, Бинкат, Қанқа шаҳристонларининг тархи акс эттирилиб, шаҳар ва унинг атрофидаги ҳудудларда юз берган тарихий-маданий жараёнлар ҳақида хикоя қилинади. Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида ислом маданиятининг ривожланиш босқичлари таҳлил қилиниб, миллий меъморчилигимизнинг муتمоз намуналари бўлган Шайх Зайниддин бобо, Шайх Хованд Тоҳур, Юнусхон ва Имом Кафқол Шоший мақбаралари, Кўқалдош, Бароқхон ва Мўйи Муборак мадрасаларининг суратлари акс эттирилган.

"Тошкент 1860-1990 йилларда" деб номланган иккинчи бобда тарихий лавҳа ва суратлар асосида пойтахтимизнинг XIX аср ўрталаридаги ҳамда чоризм мустамлақаси ва собиқ мустабид тузум давридаги мураккаб ҳаёти ҳақида сўз боради.

Альбомнинг Тошкент шаҳрининг му-

ланади.

Альбом саҳифаларини бебаз турган Оқсарой, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси сингари марказий раҳбарлик идораларининг бинолари, Мустиқиллик майдони, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи каби нобъ мажмуалар, замонавий таълим, тиббиёт ва спорт масканлари, маданий-маиший объектлар, ишлаб чиқариш корхоналари, Тошкент ахлининг бахтиёр чеҳралари акс этган фотосуратлар ва ёрқин лавҳаларда пойтахтимиз қиёфаси мустиқиллик йилларида тубдан ўзгариб, бу азим шаҳарнинг Ўзбекистон пойтахти деган юксак макомга ҳар томонлама муносиб бўлиб бораётганини ўз ифодасини топган.

Мухтасар айтганда, альбомда мамлакатимиз пойтахтининг 2200 йиллик тарихи, бугунги ва келажак тараққиёти тўғрисида, унинг шон-шухратини асрлар синивидан муносиб олиб ўтиб, янги ва сермазмун саҳифалар билан бойитилган меҳнаткаш эл, фидойи ва улуг инсонлар ҳақида ҳикоя қилинади. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган бу альбом Тошкент билан яқиндан танишиш, бу шаҳарнинг ўзига хос руҳи ва қиёфаси, таъбир жоиз бўлса, унинг феномени — асл табиати ва хосиятини янада чуқурроқ тушуниш ва англашда муҳим аҳамият касб этади.

(ЎЗА)

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ


Айни кунларда пойтахтимиз кўш байрамлар оғушида яна ҳам чирой очиб, гуллаб-яшнаган. Барчанин юз-кўзида байрамона кайфият, қалбимизда ифтихор туйғулари ошган. Жойларда қутлуғ байрамларимизга бағишланган тadbирлар, тақдирот маросимлари ўтказилмоқда.

Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Истиқлолимизнинг 18 йиллик тантаналарига Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилей ҳодисаси уланганлиги бир-бирига ҳамоҳанг бўлаётганлиги айниқса қувонарликдир. Бугунги кунда Тошкент фақатгина йирик иқтисодий ва илмий марказ бўлибгина қолмай, балки биринчи навбатда халқаро майдонда Ўзбекистоннинг доимо ривожланиб бораётган обрўси тимсоли сифатида танилган. Инсон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган замонавий Тошкентни халқлараро дўстлик ва тинчлик рамзи деб аташ мумкин. Маълумки, 2007 йил 2 ноябрда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 34-сессиясида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлаш ҳақидаги қарор қабул қилинди. 2007 йилда Халқаро ислом ташкилотининг қарорига биноан Тошкент — ислом маданияти пойтахти деб аталди. Бугун Тошкент шаҳри сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий ҳаётимизнинг жамланмаси ҳисобланади.

Қутлуғ саналар арасида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейга бағишланган махсус почта маркалари туркуми почта муомаласига чиқарилди. Почта маркаларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биноси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биноси, Тошкент халқаро бизнес маркази, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Темурийлар тарихи Давлат музейи, «Туркистон» саройи, Ҳазрати Имом мажмуаси, Бароқхон мадрасаси, Қатагон қурбонлари хотираси музейи ва Буюк Ипак йўли харитаси фрагменти тасвирланган.

Шаҳримиз кўрқига кўрк ва чирой қўшиб турган мазкур салобатли ва маҳобатли бинолар ва мажмуалар тасвири почта маркаларида пойтахтимиз қиёфасини яққол намоён этиб турибди.

Дилором ИКРОМОВА



О'ЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК

Очиқ акциядорлик тижорат банки

Халқимизнинг энг қизғин, энг азиз байрами — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги билан юртдошларимизни муборакбод эитади!



Байрам арафасида
"Ўзсаноатқурилишбанк" янги омонатларни таклиф этади!

Истиқлол-1 30% йиллик	Сақлаш муддати 3 ой	Сўмдаги омонат	Омонат фоизи ҳар ой тўланиб борилади
Истиқлол-2 10% йиллик	Сақлаш муддати 3 ой	АҚШ доллардаги омонат	Сақлаш муддати тугагандан сўнг омонат фоизи Ўзбекистон Республикаси Марказий банк курси бўйича сўмда тўланади
Тошкент -2200 30% йиллик	Сақлаш муддати 4 ой	Сўмдаги омонат	Омонат фоизи ҳар ойда олдиндан, яъни бунак тарзида тўланади

«Ўзсаноатқурилишбанк» да сақланувчи аҳоли омонатлари «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан кафолатланган

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Хизматлар лицензияланган.

Вақт давомида синалган ишонч!
www.uzspb.uz

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР




ЙЎЛЛАРИ»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимиз ва ҳамшаҳарларимизни, қадргон ҳамкасбларимизни файз-тароват ила нишонланаётган

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда қадимий ва ҳамisha навқирон Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик қутлуғ байрами билан чин дилдан табриклайди.



Қалбларингиздаги эзгу ниётлар амалга ошиб, бағрингиз бутуц, дастурхонингиз тўқиб, йўлингиз ойдим бўлсин, қадрдонлар!

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ)



Сизларни Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги куни билан табриклайди ва қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:

«ВИЁЛИ»

Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 34 фоизгача ҳисобланади.

Ҳисобланган фоизлар ўқиб тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет).

«ТОШКЕНТ-2200»

Сақланиш муддати — 1 йил, омонат бўйича йиллик 29 фоиз ҳисобланади.

«ИШОНЧЛИ»

Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 27 фоиз ҳисобланади.

Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.

«ТАЛАБАЛАР УЧУН»

Сақланиш муддати — 4 йилгача, омонат бўйича йиллик 38 фоизгача ҳисобланади.

Ҳисобланган фоизлар ўқиб тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет).

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ:

«УНИВЕРСАЛ» АҚШ долларда

Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 10 фоиз ҳисобланади.

Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

- | | | |
|--------------------------------|-------|-----------|
| 1. Тошкент шаҳри филиали | (371) | 120-83-13 |
| 2. «Автотранспорт» филиали | (371) | 120-39-95 |
| 3. Шайхонтоҳур филиали | (371) | 140-39-36 |
| 4. Юнусобод филиали | (371) | 225-16-46 |
| 5. Сергели филиали | (371) | 258-67-49 |
| 6. Тошкент вилояти филиали | (371) | 120-84-13 |
| 7. Андижон вилояти филиали | (374) | 224-40-96 |
| 8. Асака филиали | (374) | 233-13-69 |
| 9. «Фарҳод» филиали | (374) | 229-97-53 |
| 10. Фарғона вилояти филиали | (373) | 224-70-83 |
| 11. Марғилон филиали | (373) | 237-12-37 |
| 12. Олтиариқ филиали | (373) | 432-10-11 |
| 13. Кўкон филиали | (373) | 552-61-04 |
| 14. Наманган вилояти филиали | (369) | 226-94-75 |
| 15. Навоий вилояти филиали | (436) | 223-54-32 |
| 16. Зарафшон филиали | (436) | 573-18-78 |
| 17. Бухоро вилояти филиали | (365) | 233-71-94 |
| 18. Бухоро шаҳри филиали | (365) | 770-11-27 |
| 19. Самарқанд вилояти филиали | (366) | 231-08-86 |
| 20. «Афросиёб» филиали | (366) | 234-17-96 |
| 21. Қашқадарё вилояти филиали | (375) | 221-12-93 |
| 22. Сурхондарё вилояти филиали | (376) | 770-82-12 |
| 23. Қорақалпоғистон филиали | (361) | 223-72-47 |
| 24. Хоразм вилояти филиали | (362) | 226-97-78 |
| 25. Сирдарё вилояти филиали | (367) | 225-44-03 |
| 26. Жиззах вилояти филиали | (372) | 226-43-11 |

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгаллик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Хизматлар лицензияланган

**АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, ҲАМШАҲАРЛАР
ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**

Мамлакатимиз
Мустақиллигига 18 йил
тўлган, азим
пойтахтимизнинг қутлуғ
2200 йиллик тўйи
нишонланаётган ушбу
файзиёб кунларда
барчангизни дилдаги энг
эзгу тилакларни изҳор
этган ҳолда қутлаймиз.

*Ҳаётингиз қувончли кунларга тўлиқ бўлсин, ишингиз доим
бароридан келсин!*

**ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА
МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ КАСАБА УЮШМАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ЖАМОАСИ**

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчангизни Мустақиллигимизнинг

18 йиллик

байрами ҳамда азим
пойтахтимизнинг

2200 йиллик

тўйи билан энг эзгу тилакларни изҳор
этган ҳолда муборакбод этамиз.

Ҳамиша соғ-омон бўлайлик, азизлар!

*Озод ва обод юртимизда тинчлик,
барқарорлик ва осойишталик доим ҳукм суриши,
мустақиллик куёши абадий нур сочилиши тилаймиз.*

«Е'ТИҚОД»

хусусий корхонаси

мебелсозлари қадрли юртдошларимиз
ва ҳамшаҳарларимизни муборак айём —

Мустақиллик

шодиёнаси билан самимий табриклайди.

Эрк куёши юртимиз
осмонини асло тарк этмасин.
Ишларимиз ҳамisha
ўнғидан келиб,
ниятларимиз ижобат бўлсин!




**«ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРАТ»
ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ**

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚҮМИТАСИ

барча ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги
байрами ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан самимий тилаклар ила қутлайди.

*Куёш ҳар кунни хонадонингизни чарогон этиши, қувонч ва бахт
сизни ҳеч қачон тарк этмаслиги, саломатлигингиз аъло
даражада бўлиши ва табиатни муҳофаза этиш зарурлиги
онгингиздан мустаҳкам ўрин олиши, шаҳар ҳавоси ва сувининг
мусоффо бўлишини истовчи ва шунга ҳаракат қилувчи
экологик ҳаракат аъзоларининг сони ўсишининг тилакдошимиз*

Байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!



Қадрли юртдошлар, азиз ҳамшаҳарлар!

*Энг улуғ байрам —
Мустақиллигимизнинг*

18 йиллиги

*барчангизга муборак бўлсин.
Дастурхонингиз доимо тўкин,
хонадонингиздан файз-барока
ариймаслигига тилакдошимиз.*

**«Пойтахт Наврӯз таом сервис»
Давлат унитар корхонаси жамоаси**



Тадбирлар

МАҲАЛЛА ОБОД — ЮРТ ОБОД

Бутун мамлакатимизда Истиқлолимизнинг 18 йиллиги ҳамда кўҳна ва навқирон пойтахтимизнинг 2200 йиллиги шодиёналари бўлиб ўтаётган айни кунларда янги-янги иншоотлар, спорт комплекслари ва ўқув даргоҳлари қурилиб фойдаланишга топширилмоқда.

Хусусан, Ҳамза туманидаги «Бехизор» маҳалласида ҳам ҳар томонлама кўркам, замонавий ва аҳоли учун барча шарт-шароитлар яратилган гузар қурилиб кутлуг байрамга соғва сифатида топширилди. Карнай-сурнай наволари бутун атрофга таралиб барчани шодиёнага чақирган даврада сўз олганлар бугунги кунда маҳаллага қаратилган эътибор, фуқаролар узоғини яқин қилиш мақсадида яратилган қўлайликлар ҳақида фахр билан алоҳида тўхталиб ўтдилар, шу билан бирга барча йиғилганларни кўш байрам билан муборакбод этдилар.

— Маҳалламиз 1966 йилда ташкил этилган бўлиб, замонавий гузар қурилиши жуда зарур эди, — дейди биз билан суҳбатда «Бехизор» маҳалласи оқсоқоли Убайдулла Миновар-хўжаев. — 2086 нафардан ортиқ турли миллат вакиллари тинчлик-тотувликда яшаб келаётган бўлса, уларнинг яхши дам

олишлари, дилдан суҳбат қуриб гурунглашишлари учун шароит

нинг беминнат берган кўмаги туфайли ушбу чиройли, шинам



тимиз йўқ эди. Мана шаҳар ва туман «Маҳалла» жамғармалари, ҳокимлик, маҳалламиздаги олихиммат тадбиркорларимиз

ва замонавий гузар қад ростлади. Унда маҳалла оқсоқоли, хотин-қизлар комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ах-

лоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи учун алоҳида хоналар, турли суҳбат ва тадбирлар ўтказиш учун катта мажлислар зали, дам олиш хоналари бўлиб, янги мебель, зарур жиҳозлар билан таъминланган.

— 715 та хонадонда бир оила фарзандларидек, яхши-ёмон кунларда бир-бирлариға ёлқош бўлиб келаётган маҳалладошлар ушбу яратилган қўлайликлардан беҳад хурсанд бўлишди, — дейди маҳалла котибаси Дилором Мақсудова. — Ахир қайда аҳиллик, тотувлик, ҳамжихатлик бўлса шу ерда тинчлик бўлади, хайрли ишлар давом этади.

Биз маҳаллада бўлиб хонадонлар, кўчалар, хибобларни супуриб-сидирилган, кўм-кўк дарахтлар, гулу садарайонлар барқ уриб, яшнаб турганини кўрганнимиздаёқ юқоридаги фикрлар бежиз эмаслигини тушунирдик.

Дарҳақиқат, маҳаллаларнинг

обод ва шинамлиги элу юртнинг юзини кўрсатади, кўнгила-ларга осудалик, хуш кайфият бағишлайди. Шахримиз маҳаллаларнинг бунданда чирой очилиши, аҳолининг бир жамоада уюшиб ҳамкорликда иш олиб бориши давлатимиз томонидан олиб бораётган тинчлик сиёсатининг натижалари албатта.

Маҳалла — таълим-тарбия ўчоғи, буюк қадриятлар бешиги. Унда камол топган инсон кўнгида она Ватанга садоқат, келажакка ишонч, юрт истиқболига камарбаста бўлиш, фарзандлар қамоллини кўришдек эзгу ният бўлади.

«Бехизор» маҳалласи гузарининг тантанали очилиш маросимидан мана шундай хаёлар билан қайтдик.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: «Бехизор» маҳалла гузарининг очилиш маросимидан лавҳа.

Ҳақимжон Солихов олган сурат

Қарор ва ижро

ОЧИҚ МУЛОҚОТ ТАРЗИДА ЎТДИ

«Ўзстандарт» агентлиги Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси, Миробод туман ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармасининг Миробод туман ахборот-маслаҳат маркази, туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси ҳамкорлигида ўқув-семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлашга бағишланган мазкур тадбирда туманда фаолият юритаётган кичик корхона, микрофирма, хусусий бизнес субъектлари, маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари, етакчи мутахассислар қатнашди. Семинар-йиғилишни кириш сўзи билан очган туман ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Абдор Юнусов очик мулоқот тарзида ўтказилаётган тадбирдан қўзланган мақсадга тўхталар экан, бугунги кунда туманда фаолият юритаётган тадбиркорларга кўрсатилаётган амалий ёрдам, яъни уларга кейинги йилларда давлатимиз томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишбилармонларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлаш, хусусан, бу соҳадаги Юртбошимизнинг Фармон ва Қарорлари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил гапирди.

«Ўзстандарт» агентлиги Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи Холида Бобохонова ўз

сўзида юқоридаги Фармон ижросини таъминлаш юзасидан жамоанинг режавий фаолияти хусусида тўхтади. Шунингдек, мазкур бошқарма бошлиғи ўринбосари Абдуҳамид Абдуқодиров Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги, «Маҳсулот ва хизматларнинг сёртификатлаштириш тўғрисида»ги ва «Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунларининг амалда татбиқ этилиши ҳақида тадбиркорларга батафсил маълумотлар берди.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Миробод туман бўлими бошлиғи А.Маннопов «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш» мавзусида сўзга чиқди.

Эътиборли томони, очик мулоқот тарзида ўтган тадбирда ташкилотчилар ўқув-семинар қатнашчилари — туман тадбиркорларини қизиқтирган, ўйлантирган саволларига тўлиқ жавоб беришди, тадбиркорлар фаолиятида асқотадиган адабиёт, қўлланмалар ҳақида гапириб ўтилди ҳамда қатор амалий тақлифлар ҳам киритилди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Заҳматқашларимиз

МЕҲНАТ БЕСАМАР КЕТМАЙДИ

Кутубхона буюк хазинага эга таълим-тарбия ўчоғидир. Унга меҳнати синган ҳар бир инсон — у хоҳ китобхон бўлсин, хоҳ кутубхоначи — бахту саодат қалитини қўлга киритади.

Юртимизда кутубхоналар фаолиятини изчил равишда ривожлантириш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йилдаги республика аҳолисини ахборот-кутубхона хизмати билан таъминлаш ва ахборот-телекоммуникация технологиясини амалга ошириш ҳамда аънавий иш шаклидан замонавий иш шаклига ўтишга йўналтирилган қарори фикримизнинг ёрқин исботидир.

Худди шу йўлда жонқурлик қилаётган Муҳаббат Нигматова Ўзбекистон Миллий университетини иқтисодиёт факультетида ахборот-ресурс маркази мудираси сифатида фаолият олиб бормоқда. Унинг 32 йиллик меҳнати ўз натижасини берди. ЎзМУнинг 90 йиллиги муносабати билан қаҳрамонимиз «Шўхрат» медал билан тақдирланди.

— Истеъдод, — дейди суҳбатдошчи, — амалда қўллаш орқалигина юзага чиқади. Бунинг ортида нафақат менинг, балки бутун факультетимиз, университетимизнинг меҳнати ётибди. Ресурс маркази фондини бадий ҳақида илмий адабиётлар билан бойитишдек масъулиятли вазифани кўнгилағидек адо этиш факультет олим профессор-

ларининг кундалик ҳаётига айланган. Дарҳақиқат, ЎЗМУ ахборот-ресурс маркази университет ташкил топган 1918 йилдан то ҳозирга қадар шаклланиб борган. Бунда ҳамнинг меҳнати бирдек қадрли.

Муҳаббат Нигматова Тошкент Маданият институтининг кутубхоначилик ва библиография факультетида таҳсил олган. Олийгоҳни тамомлағач, назарий билимларни амалий жиҳатдан бойитиш мақсадида 1978 йилдан ҳозирги ЎЗМУда ўз фаолиятини бошлади. Қасбга бўлган меҳру муҳаббатини намойён этиб, китобсаварларга сидқидилдан хизмат кўрсатишга астойдил интилувчан мудира дейди:

— Кутубхонага ўнлаб, юзлаб, минглаб кишилар ташриф буюради. Уларнинг ҳар бири — бир олам, — таъкидлайди М. Нигматова. — Зиё истаб келган қалбнинг кўзлари ёниб туради. Термулти турган кўзларга қувонч улашишдан баҳра оламан. Йўқса ором тополмайман...

Китобхон руҳиятини ўрганиш учун чинакам руҳунгос бўлиш керак. Иш фаолияти бошлангандан ҳозиргача ушбу даргоҳ остонасидан хатлаб ўтган юз минглаб китобсаварлар шунча хил характер



демақдир. Уларнинг ҳар бирига муомалани ўрнида қилиш жуда қийин. Ҳатто кутубхонага илм истаб келганлар орасида чет элдан ташриф буюриб ўқиётган китобхонлар ҳам бор. Уларга нисбатан ўринли муносабат Ўзбекистон номини шарафлайди.

— Факультетимизда хорихдан келиб таҳсил олаётган талабалар кўп, — дейди нишондоримиз. — Уларнинг сўраган китобларига қўшимча равишда бой тарихимиз, юксак маданият ва маънавиятимиздан сўзловчи, урф-одат ва аънаваларимиздан дарак берувчи нодир қўлланмалардан беришга ҳаракат қиламан. Чунки касбим мени шундай тарбиялаган.

Муҳаббат Нигматова билан суҳбат давомида амин бўлганимиз битта нарса: унга берилган «Шўхрат» меҳрдан яраган. Ушбу юксак эътироф сабаб бўлиб иқтисодиёт факультети ахборот-ресурс маркази фаолияти билан қизиқдик.

Факультет кутубхонаси бой хазинага эга. Ҳозирда унинг фондида китоблар сони 40.000 га яқин. Кутубхонада инглиз, немис, француз ва бошқа кўплаб хорижий тиллардаги нашрлар борлиги талабаларда ўқишга бўлган иштиёқни ошириши табиий. Кутубхонанинг компьютер хизмати билан таъминланганлиги ва фанга доир илмий адабиётларни электрон вариантларда китобхонага тақдим қилиш имкониятининг мавжудлиги ҳам иқтисодиёт факультетининг юксак салоҳиятидан дарак беради. М.Нигматованинг фаолиятига берилган эътибордан гурунланган ҳолда деймиз: «Меҳнат бесамар кетмайди».

Ўзбекистон Республикаси
Ақмал ЖУМАМУРОВОВ,
ЎЗМУ журналистика факультети
талабалари
СУРАТДА: Муҳаббат Нигматова китобхонлар даврасида

Кутловлар

Солтан ПИРМУҲАМЕДОВ, Туркманистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси:

— Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган дипломатик корпус ҳамда шахсан ўзим номимдан Ўзбекистон халқига юксак ҳурмат билдирган ҳолда, давлат Мустақиллигининг 18 йиллиги билан табриклайман. Барчага муваффақият ва омад, узоқ йиллар давомида бахт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Мамлакатингизнинг кўп асрлик тарихида кутлуг саналар бисёр ва уларнинг ичида 1 сентябрь ўзбек халқининг эзгу ниятлари ва мақсадлари ижобат бўлган, Энг улуг ва энг азиз байрам сифатида нишонлаб келинаётган алоҳида санадир. Айнан шу кун 18 йил аввал дунё сиёсий харитасида янги мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Ушбу буюк халқнинг Президенти Ислам Каримовнинг узоқни кўлаб юритаётган сиёсати боис ҳар бир ўзбекистонликнинг суверен давлатчилик, суверен ривожланиш ҳуқуқи ҳақидаги асрий орзуси рўёбга чиқди. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, Истиқлол шарофати билан бугунги кунда мамлакат ривожланишида алоҳида ўрин тутувчи Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги ҳам кенг тарзда ва халққаро микёсда нишонланишига имконият яратилди.

Ўзбекистон халқи давлат Мустақиллигининг 18 йиллигини ҳамда Тошкент шаҳрининг юбилейини иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда эришилган юқори кўрсаткичлар билан, танланган йўлда мустақам қадам ташлаган ҳолда, тинчлик ва ҳамжихатлик, ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлик ришталари, барча жабҳалардаги ислохотларнинг амалга ошишида мақсад сари интилиб бораётгани билан намойён этмоқда.

Тилагимиз — ушбу кутлуг саналар барчага алоҳида куч ато этиб, буюк келажак сари янги имкониятларга асос бўлиб хизмат қилсин. Қадимий ва навқирон ўзбек заминидан ҳар доим тинчлик ва хотиржамлик, барқарорлик ва фаровонлик ҳукм сураверсин. Чуқур тарихий илдизга эга Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқалар келгусида янада мустақамланиб, ривож топсин.

Ўзбекистон Республикаси
Цутому ХИРАОКА,
Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси:

— Ўзбекистон халқини давлат Мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи билан самимий кутлайман.

Ўзбекистон ва Япония ўртасида 1992 йилда ўрнатилган дипломатик алоқалар бугунги кунда барча йўналишларда муносабатларимиз самарали ривожланиб боришига асос бўлаётди. Жумладан, икки давлат ўртасида соғлиқни сақлаш, фан, таълим, маданият соҳаларидаги ҳамкорлигимиз изчилдир.

Жорий йилда «Марказий Осиё — Япония» мулоқоти ўрнатилганига беш йил тўлгани муносабати билан ҳамкорлик ришталаримиз Япония ва Марказий Осиё хомийлигида ривожланаётди. Илгаригидек, икки томонлама муносабатларимизни янада мустақамлаш — асосий мақсадимиз бўлиб қолаётди. Айнан шу йўналишда Тошкент шаҳрида Япония маданияти билан таништириш мақсадида бир қатор тадбирлар режалаштирилмоқда.

Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, ўзининг 2200 йиллигини тантана қилаётган Тошкент шаҳри билан мамлакатимиз қадимдан маданий алоқалар билан боғланган. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг бош шаҳри давлатингиз тарихи ва келажакни боғлаб турувчи мустақам кўприк ҳамдир.

Яна бир бор Ўзбекистонга фаровонлик, ўзбек халқига бахт-саодат, ўзаро муносабатларимиз узлуксиз бўлишини тилаб қоламан.

Вазир СЕПАЗЕВ,
Россиянинг Ўзбекистондаги Муваққат ишлари вакили

— Қадрли дўстлар! Россия Федерацияси элчихонаси жамоаси номидан Ўзбекистон Мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда навқирон ва гўзал Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан бутун Ўзбекистон халқига энг эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Қардош Ўзбекистон Республикасининг байрамлари ушбу заминда эмин-эркин яшаб келаётган юзлаб-минглаб ватандошларимизнинг, Тошкентда ва республикангизнинг бошқа шаҳарларида фаолият юритаётган россиялик мутахассислар, тадбиркорлар, дипломатлар, кўп қиррали ҳамкорлик ривожига, аънавий дўстлик ва ўзаро ҳамжихатлик алоқаларимиз мустақамланишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган барчанинг ҳаёт тарзига айланиб қолган.

Мамлакатларимиз равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз Ўзбекистон-Россия муносабатлари изчиллигига асос бўлиб хизмат қилмоқда. Алоқаларимиз ривожланишининг янги босқичида ҳам давлатларимиз бой тарихий таърибага суянган ҳолда, Ўзбекистон ва Россиянинг халқаро ҳамжихатининг обрў-эътиборининг мустақамланишига йўналтирилган замонавий давлатчилик ва жамоат институтларини шакллантириш бўйича кўплаб муҳим вазибаларни муваффақиятли ҳал этишмоқда. Бу борада айниқса сиёсий, иқтисодий, маданий, дўстлик алоқаларимиз, шубҳасиз, бебаҳо бойлигимиз ҳисобланади. Демак, янги босқичдаги муносабатларимиз икки мамлакат манфаатларини, уларнинг фуқаролари, давлат ва жамоат тузилмалари манфаатларини инобатга олган ҳолда ўз ифодасини топаётгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар 2008-2012 йилларгача мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастурига суянган ҳолда юқори ўсиш суръатларида амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш даражаси тўрт миллиард АҚШ доллариға етган бўлса, ҳаттоки глобал молиявий-иқтисодий инқироз пайтида ҳам жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги бўйича ушбу кўрсаткич икки миллиард доллардан юқори даражани ташкил этди. Инсонпарварлик йўналишида ҳам ҳамкорлигимиз кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонда ва Россияда турли фестиваллар, кўргазмалар, ижодий жамоалар гастроллари аънавий тарзда бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистонда Ломоносов номидаги Москва Давлат университети, Плеханов номидаги Иқтисодиёт академияси, Губкин номидаги нефть ва газ давлат университети филиаллари фаолият юритмоқда. Ушбу йўналишда яна бир нечта лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Яшиллик ва тинчлик нуруларини таратаётган инсонлар, ҳаёт каби буюк шаҳарлар, бой ва кўп қиррали табиат Ўзбекистонини, унинг гўзал пойтахтини албатта ижобат бўладиган, бугунги ва эртанги авлодларнинг бахт-саодатини белгилайдиган эзгу ниятлар ва мақсадлар марказига айлантирган.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор барча ўзбекистонликларни, ушбу серкуёш заминда тинч-тотув яшаб келаётган ҳамюртларимизни қўш байрамлар билан табриклаб, тинчлик ва хотиржамлик тилайман.

**АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, ҲАМШАҲАРЛАР,
ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ ЁШЛАР!**

Барчангизга мамлакатимиз

Мустақиллигига 18 йил


тўлиши ва

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйи



*каби шуқуҳли, қутлуғ
байрамлар муборак бўлсин.*

*Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик,
ўқиш ва ишларингизда улкан зафарлар,
дастурхонингизга файзу барака тилаймиз.
Келажагимиз эгалари бўлган ёшларимиз учун
янгидан янги истиқбол эшиклари очилаверсин!*



«ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ ҲОКИМЛИГИ ЖАМОАСИ


«ТОШАВТОБУСТРАНС»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

кадрли ҳамшаҳарларимиз ва азим пойтахтимиз меҳмонларини

**қўш байрамлар —
мамлакатимиз Мустақиллигининг
18 йиллиги ва шаҳримизнинг 2200
йиллик юбилейи билан самимий
муборакбод этади.**

*Довмо дилнингиз
шод, кўнгаларингиз
обод, йўлларингиз
равону турмушингиз
фаровон бўлишига
тилақдошимиз.*



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ ЖАМОАСИ



*Қалбларимизни фахр
ва ифтихорга тўлдираётган
Истиқлолимизнинг*

18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги

*билан барча юртдошларимизни
муборакбод этади.*

**Серқуёш дийримиз аҳлига,
2200 йиллик қутлуғ юбилейни кутиб
олаётган ҳамшаҳарларимизга
соғлиқ-омонлик, бахт ва омад, оилаларига
тинчлик-хотиржамлик тилаймиз!**



**Кўнгулли дам олишни
устасангиз боғимизга марҳамат!**

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба

*ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан
16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун
телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз:
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.*



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

“ПАНЧАТАНТРА”ДАН

Кимда кибр бўлмас,
Ўшал чин мумтоз эрур.
Ҳирсини тийган доно
Фароғат топур мудом.

Бус-бутун бахт йўқ экан жаҳонда.

Маккор дўст мақтайди-ю,
орқадан фитна тузар,
У гўё сут тўла кўза, захар
бордир тагида.

Сқил, ориф кишининг бағри
жуда кенг бўлар,
Маслаҳат билан доим ишлари
ҳам ўнг келар.

Кекса донишмандларнинг сўзига кир-
моқ керак.

Ожиз бўлсанг, овқатингни ёлғиз е.

Рўҳатланмоқ иш эмас,
ўзгага бериб озор.

Ақлнинг бир белгиси — пок дил
билан иш қилмоқ,
Яхшилик йўлдош бўлиб,
топган зафаринг маҳкам.

Маълумки, доно китоблар беш қисм-
дан иборат панд-насихатга ўргатади-
лар; ишларни қандай бошлаш, керак-
ли одамларни ва керакли нарсаларни
қандай топиш, вақтдан ва жойдан тўғри
фойдаланиш, бахтсизликларнинг олди-
ни олиш ва ўз мақсадига қандай етиш.

Доно камтарин бўлар,
илми билан мақтанмас.

Буқилмагай қалин оғоч,
тош кесилмас пичоқда,
Уринмагин нафи йўқдир,
тентак бўлмагай оқил.

Фойда олмоқчи бўлсанг,
зиёни ҳам ўйлаб қўй.

Айтган сўзингни дарров қулоғига ола-
диган одамларга насихат қилиш керак.

Нодон билан дўсту ошно бўлгандан
Денгизда чўккан, ўтда ёнган афзал.

Гарбиянинг бўлар яхши-ёмони.

Ўстомон душмандан ҳам
ёмонроқдир ақлсиз дўст.
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

**ШАҲРИМ —
ФАҲРИМ**



**НОВОСИБИРСКДА
ФОТОКЎРГАЗМА**

Мамлакатимизнинг чет элдаги ваколатхоналарида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан бир қатор тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Новосибирскдаги бош консулликда “Тошкент — 2200 ёшда” номи фотокурғазма очилди. Тадбирнинг очилиш маросимида Новосибирск шаҳрида фаолият юритаётган хорижий мамлакатлар ваколатхоналари раҳбарлари, вилоят ва шаҳарлар маъмуриятлари вакиллари, Россия Федерацияси Президентининг Сибирь Федерал округи бўйича ишончли вакили аппаратининг ходимлари, ишбилармон доиралар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида муваффақиятли йўлни босиб ўтгани, иқтисодийётнинг барча соҳаларида амалга оширилган туб ўзгаришлар бугунги кунда ўз самарасини кўрсатаётгани ҳақида сўз юритишди. Тошкентнинг қадимги ва ҳозирги кўриниши акс эттирилган фотоасарлар тўплами тадбир меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди. Меҳмонлар Тошкент шаҳрининг кўп асрлик тарихи ва Ўзбекистон пойтахтини замонавий мегаполисга айлантирган меъморий янгиланишлар билан танишишди.

Томошабинларга, шунингдек, “Жаҳон” ахборот агентлигининг ижодий гуруҳи томонидан тайёрланган “Шарқ дарвозаси” номи хужжатли фильм намойиш этилди. Фильмда Тошкент ўзининг 2200 йиллик тарихи давомида бошидан кечирган энг муҳим тарихий воқеалар ҳақида хикоя қилинган. Айниқса, Тошкентдаги қиш мавсумини ифодалаган тасвирлар сибирликларга алоҳида завқ бахш этди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган тадбир Сибир округи телеканаллари янгиланганда кенг ёритилди.

«Жаҳон» АА

Миллий дастур ижроси йўлида, шунингдек, яқинда Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сиро-жиддинов номи академик лицей ҳам капитал таъмирдан чиқарилди. Замонавий кўринишга эга бўлган академик лицей Энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйига ўқитувчи ва ўқувчиларга муносиб тўхфа бўлди.

— Чин маънода иқтидорли ўқувчилар даргоҳи ҳисобланган мазкур ўқув муассасаси 1970 йил 25 сентябрда ўзбек математикасининг фидойиси ва жонқуяри, буюк олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Саъди Сирожиддинов ташаббуси билан ташкил қилинган ва Республика махсус мактаб интернати деб номланган, — дейди академик лицейнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Матлуба Турсунова. — Урта Осиёда ягона ҳисобланган бу академик лицей республика бўйича барча иқтидорли ёшларни, олимпиада ғолиблари ва совриндорларини ўзига бирлаштирган. 1987

Ўқув йилининг бошланишига ҳам санокли кунлар қолди. Ёшларимиз учун мамлакатимизда янги замонавий ўқув масканларининг бунёд этилиши, эскиларининг қайта таъмирланаётганлиги ва уларнинг замон талаблари даражасидаги жиҳозлар билан таъминланаётгани диққатга сазовордир. Бинобарин бу Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг ижроси йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижасидир.

йилдан бошлаб кимё ва биология йўналишлари ҳам очилди. 1990 йил 24 январдан бу даргоҳга академик Саъди Сирожиддинов номи берилди ва ЎЗМУ қошига

фанлари йўналишлари мавжуд. Ҳар бир фан йўналишида юқорида кўрсатилган фанлар кўшимча чуқурлаштирилиб ўқитилади. Бизнинг асосий вазифамиз Ватани-

жойлари, 100 ўринли ошхона, 200 кишига мўлжалланган фаоллар зали, 70 ўринли кироатхона, кимё, биология, физика хоналари лабораториялари ва барча ўқув хоналари, кафедралар кўркам ва шинам қиёфа кашф этди.

Ўқувчиларнинг етарлича билим олишлари, ўз устидан 15 та спорт тўғарақлари ва олти таскабга йўналтирилган тўғарақлар, интернет клуби, бокс ва жикбокс секциялари ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Устоз-ўқитувчиларнинг дилида ҳамиша биргина ният нурланиб туради, — ушбу таълим масканида билим олаётган ёшларнинг келажаги порлоқ, истиқболи ёрқин, ҳаёт йўллари нури, мазмунли, Ватанига садоқатли ва оқилли бўлиши.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Ёшлар — келажагимиз

**ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА
КАСБ ЭТГАН МАСКАН**

Ўтказилди. 1998 йилда эса академик лицей мақомини олди. Шунинг билан ай-тишимиз жозик, ўқув даргоҳимизни тамомлаган собиқ ўқувчиларнинг 500 нафардан ортиги фан номзодлари ва 50 дан кўпроги фан докторларидир. Бугунги кунда ўқув муассасамизда аниқ фанлар, табиий фанлар, ижтимоий-гуманитар

мизнинг нуфузли олий ўқув юртлирига чуқур билимга эга, маънавий қиёфаси бартишимиз жозик, ўқув даргоҳимизни тамомлаган собиқ ўқувчиларнинг 500 нафардан ортиги фан номзодлари ва 50 дан кўпроги фан докторларидир. Бугунги кунда ўқув муассасамизда аниқ фанлар, табиий фанлар, ижтимоий-гуманитар

мизнинг нуфузли олий ўқув юртлирига чуқур билимга эга, маънавий қиёфаси бартишимиз жозик, ўқув даргоҳимизни тамомлаган собиқ ўқувчиларнинг 500 нафардан ортиги фан номзодлари ва 50 дан кўпроги фан докторларидир. Бугунги кунда ўқув муассасамизда аниқ фанлар, табиий фанлар, ижтимоий-гуманитар

САҲОВАТДАН ДИЛЛАР ҚУВОНДИ

Айни кунларда ҳамюртларимиз чехрасида байрамона хушнудлик ҳукмрон. Жойларда ўтказилаётган тадбирларнинг барчаси Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва жонажон Тошкентимизнинг 2200 йиллик шодёнларига бағишланмоқда. Куни кеча Собир Раҳимов туманидаги Шухрат маҳалласида ҳам ҳар иккала байрамга бағишланган «Ватан маҳалласида бошланади» деб номланган тадбир ўтказилди.

— Маҳалламизда уч ярим мингдан зиёд аҳоли яшайди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Юсуф Ҳамдамов. — Улар ўн сақиятга кўп қаватли уйларида истиқомат қилишади. Бугунги тадбирда маҳалламизнинг кўпгина саховатли инсонлари ўзларининг ёрдамлари билан бошлаган саоватли ишларига қўлларидан келганча кўмаклашишди. Яна

бир саховатли инсон маҳалламиздаги 13 нафар имконияти чекланган болага ногиронлар аравачаси ва совға-саломлар топширди.

Байрам тадбири маҳалла худудидаги «Туркистон» тўйхонасида ўтказилди. Ўзининг дилдорлар қўшиқлари билан йиғилганларга хуш кайфият улашган «Шухрат» бадий жамоаси кечанинг янада жонли ва

қизиқарли ўтишини таъминлади.

Ушбу маҳалла фаоллари ҳар бир байрамда совға-саломлар билан кексалар, ёлғиз ва беморларни йўқлаб туришди. Шундан бўлса керак, маҳаллада меҳроқибат, тинчлик, ҳамжихатлик ҳукмрон.

Зебунисо НАЗИРОВА,
ЎЗМУ талабаси

Санъат

**ЯНГИ
ЭКСПОНАТЛАР**

Тошкентдаги Мухтор Ашрафий уй-музейида атоқли композитор илмий фаолиятига оид кўпгина нашрлар билан ҳам танишиш мумкин.

«Хиндистон кундалиги», «Мисрда 105 кун», «Муסיқа менинг ҳаётимда» деб номланган тўпламлар шулар жумласидан. Яқинда бундай адабиётлар мушиқашуносликка оид янги нашрлар билан бойиди. «Дирижёрлик» деган номда чоп этилган ўқув адабиёти эса композиторнинг шоғирди мушиқашунос Эргаш Тошматов томонидан ёзилди.

Ўзбекистон Давлат амалий санъат музейи экспозициясида кўплаб экспонатлар мавжуд.

**ЖОЗИБАСИ
ЎЗГАЧА**

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ташкил этилган курғазма ҳам томошабинларда яхши таассурот қолдиради.

Қадимий ва навқирон Тошкентда бадий хунармандчилик санъатига доир яратилган ижод намуналари учун алоҳида ўрин ажратилди. Ёғоч ўймакорлигининг ажойиб намуналарини ўзида акс эттирган экспонатлар доимий курғазмадан ўрин олди.

Ақбар АЛИЕВ

Президентимиз ва республика ҳукумати томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини таъминлаш, имтиёзлар бериш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, Юртбошимиз томонидан имзоланган иқтисодийётнинг реал сектори тармоқларини қўллаб-қувватлашга тааллуқли Фармонига мувофиқ 2009 йилда хўжалик юритувчи субъектларда турли текширишлар сонини камида 30 фоизга камайтириш белгилаб берилган.

**БУГУНГИ КҮН ТАЛАБИ —
ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ**

Бектемир тумани Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ўз фаолиятини жумладан, ушбу Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда олиб бормоқда. Шу ўринда айрим рақамларни келтириш жоиз. 2008 йилнинг етти ойида 13 та режали текширув ўтказилган бўлса, 2009 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 8 тани ташкил этди. 2008 йил июль ойида 3 та режали текширув ўтказилган. Жорий йилнинг июлида эса битта режали текширув билан чекланилди. Кўрилаётган чоралар хўжалик юритувчи субъектларнинг кўпроқ ижтимоий-иқтисодий масалалар би-

лан шуғулланишларига имкон яратмоқда. Марказимиз мутахассисларнинг асосий диққат-эътибори корхона ва ташкилотлар меҳнат жамоаларида бўлиб, санитария-эпидемиологияга доир қонунлар, амалдаги тартиб-қоидаларнинг ўз вақтида, тўғри бажарилишини тушунтиришга, тарғибот ишларини кучайтиришга қаратилмоқда.

Хусниддин МУҲАМЕДОВ,
Бектемир тумани Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош шифокори



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2810 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва сақдаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбعا акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.